211295

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

19 декабрь, сешанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 242 (1244)

ТАРАҚҚИЁТГА ЭЛТУВЧИ ЙЎЛ ҲАМЖИҲАТЛИКДА

Бундан атиги бир йил муқаддам Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари ўртасида ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш мақсадида иқтисодий интеграция механизми ташкил этилган эди. 1994 йил июль ойида Қозоғистоннинг Алмати шаҳрида уч республиканинг Давлатлараро Кенгаши ҳамда Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банкига асос солинди. Бугун қадим Турон ўлкасидаги қардош халқларнинг хоҳиш-иродаси, муштарак мақсадлари, бир-бирига бўлган табиий интилиши ва яқинлик ҳисси мазкур механизмнинг ишга тушиб кетишига кўмаклашибгина қолмай, унга кучқувват ҳам бағишламоқда. Қисқа муддат ичида мавжуд сунъий тўсиқларни енгиб ўтиш, асрлар давомида бир-бири билан узвий боғланган, лекин сўнгги йилларда узилиб қолган иқтисодий ва хўжалик алоқаларини тўла тиклаш осон кечмайди, албатта. Шундай бўлса-да, ягона иқтисодий маконга аъзо ҳар бир республикада иқтисодий ўтиш даврининг маълум қийинчиликлари бошдан кечирилаётганига қарамай, интеграция жараёнини тезлаштиришга амалий интилиш кун сайин кучайиб бормоқда.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикалари давлатлараро Кенгашининг қўшни Қозоғистоннинг Жамбул шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси ана шундан далолат берди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев 15 декабрь куни шу ерда учрашди.

Президентлар мажлисда 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурларини ҳаётга жорий этиш масалаларини муҳокама этдилар.

Бугун иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган элликка яқин лойиҳа устида ишланмоқда. Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банки ушбу лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш учун кўплаб халқаро молиявий ташкилотлар, хусусан, Европа Тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорлик қилмоқда. У аҳолини дори-дармонлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатимиздаги «Фармсаноат» концерни билан шартнома тузган, Худди шунингдек, Қозоғистонда тоғкон саноати, Қирғизистонда электр двигателлари ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар Марказий Осиё банки томонидан маблағ билан таъминланмоқда.

Шунга қарамай, музокараларда иқтисодий интеграция дастурини амалга ошириш ва ҳаётий зарур лойиҳаларни амалга оширишда барча иқтисодиятларнинг тўла фойдаланилмаётгани, бунинг учун ягона иқтисодий маконга аъзо мамлакатларнинг вазирликлари, муассасалари ва саноат ташкилотлари фаоллигини ошириш лозимлиги таъкидланди.

— Иқтисодий бирикиш жараёнини коммуникациясиз тасаввур қилиб бўлмайди, — деди Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов. — Республикаларимиз ўртасидаги барча иқтисодий ва хўжалик алоқаларини янада равнақ топтириш учун биринчи навбатда янги темир йўл, ҳаво ва автомобил йўллари барпо этиш борасидаги лойиҳаларни амалга ошириш керак.

Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари дастурда хорижий фирмалар эътиборини жалб этадиган, қизиқишини ортирадиган лойиҳалар камлигини, унда аввал бошланоқ хусусий сармоядорларнинг кенг иштироки кўзда тутилмаганини қайд этди. Шу боис Президент Ислом Каримов Тошкент, Бишкек ва Алмати шаҳарларида хорижий ва хусусий сармоядорларни иқтисодий интеграция дастурида кўзда тутилган лойиҳаларга кенг жалб этишга хизмат қиладиган турли кўргазмалар ўтказишни таклиф қилди. Бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланаётган мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий бирикиш жараёнида, дарҳақиқат, хусусий тадбиркорлар иштироки жуда муҳимдир. Шу сабаб, мазкур таклифни Президентлар А. Акаев ва Н. Назарбоев якдиллик билан қўллаб-қувватлади.

Ўзбекистон Президенти Марказий Осиё Ҳамкорлик ва тараққиёт банки фаолиятини янада жонлантириш борасида ҳам муҳим таклиф киритди. Маълумки, ҳар бир республика ўз сармоя дастурига эга. Мазкур дастурдаги энг «жозибадор» лойиҳалар танлаб олиниб, Марказий Осиё банки билан ҳамкорликда амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди, деди Президент Ислом Каримов.

Учрашувда иқтисодий интеграция жараёнини тезлаштириш мақсадида унинг навбатдаги зарур тузилмаларини, хусусан, Марказий Осиё ҳукумати — Бош вазирлар кенгаши, келгусида эса, Марказий Осиё парламентини ташкил этиш, ягона иқтисодий маконга аъзо давлатларнинг молия ва божхона қонунчилигини ўзаро мувофиқлаштириш борасида фикрлашиб олинди.

Музокаралар якунида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлиб ўтди. Унда давлатлараро кенгашнинг 2000 йилгача бўлган иқтисодий интеграция ва биринчи навбатда сармоя сарфланиши лозим бўлган лойиҳалар дастурлари бўйича ҳамда мазкур республикалар Мудофаа вазирлари кенгаши низомини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлари имзоланди. Шунингдек, БМТ раҳнамолигида Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Республикаларининг тинчликни сақлаш коллектив батальонини ташкил қилиш ва шакллантириш ҳақидаги ҳужжатга имзо қўйилди. Шу муносабат билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Бутрос Голийга мурожаатнома қабул қилинди. Ҳужжатларга Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Президенти Нурсултон Назарбоев, Қирғизистон Президенти Асқар Акаев имзо чекди.

Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари И. Каримов, Н. Назарбоев, А. Акаев журналистлар билан учрашдилар. Унда муҳокама этилган масалалар, имзоланган ҳужжатлар Марказий Осиёда ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш, халқларимиз ҳамжиҳатлиги, тинчлиги ва фаровонлигини таъминлаш йўлидаги эзгу мақсадларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

— Бугунги учрашувлар, музокаралар Марказий Осиёдаги уч республика тараққиёти тарихида муҳим воқеа бўлиб қолиши шубҳасиз, — деди Президент Ислом Каримов. — Бу ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш борасидаги ҳаракатларимизнинг амалий тус ола бошлагани ва тез орада ўз маҳсулини беришини кўрсатади.

Дарҳақиқат, ушбу уч республика ўртасидаги ягона иқтисодий макон хаёлий орзу эмас. У оддий инсонлар узоқ вақтдан бери самарасини кутаётган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидан ҳам фарқ қилади. Марказий Осиё Давлатлараро кенгашининг қўшма лойиҳаларга эга эканиёқ бу фикримизнинг исботидир. Қолаверса, Президентларнинг журналистлар саволларига жавобларидан ҳам халқларимизни тараққиётга элтувчи йўлдан собит боришга аҳд қилинганини уқиш мумкин. Шу ўринда, баъзи мамлакатлар оммавий ахборот воситалари Марказий Осиё республикаларидан айримлари минтақада етакчилик мавқеи учун курашаётгани тўғрисидаги турли фитна гаплар тарқатаётганини эслаш жоиз.

«Албатта, қон-қардош, маънавияти, урф-одати бир халқларимизнинг дўстлиги, ҳамжиҳатлигини кўролмайдиганлар шу хил ғиволардан манфаатдор экани ҳаммага маълум. Бунинг учун тарихга назар ташлашнинг ўзи кифоя», деди Ислом Каримов. Президентлар шу қабилдаги ғиғвогарона гаплар халқларимиз ўртасидаги бирликка ва республикаларимизнинг иқтисодий бирикуви йўлида бошланган хайрли ишларга тўсқинлик қила олмаслигини таъкидладилар.

Яқин йилларда 2000 йиллигини нишонлаш арафасида турган кўҳна Тараз — ҳозирги Жамбул шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Президентлари Ислом Каримов, Нурсултон Назарбоев ва Асқар Акаев туркий халқларнинг жасур ўғлони Турор Рисқулов хотирасига ўрнатилган ёдгорлик ҳайкалининг тантанали очилиш маросимида қатнашдилар. Т. Рисқулов умр бўйи Туркистон халқлари озодлиги ва бирлиги йўлида курашган эди.

Бугун ушбу кўҳна замин халқлари ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликда истиқболли келажак сари одимламоқда. Зеро, қўшни ва қардош мамлакатларимизнинг ўтмиши бир эди, келажаги ҳам бир. Юксак тараққиёт йўлидаги мақсадлари-да бир.

Ўзбекистон-Республикаси Президенти Ислом Каримов шу куни Жамбулдан Тошкентга қайтиб келди.

Сафар давомида мамлакатимиз раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Бош вазир ўринбосари Қ. Ҳаққулов, ташқи ишлар вазири А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Муҳаммад ШАРИФ. (ЎзА махсус мухбири).
Тошкент — Жамбул — Тошкент.

СУРАТДА: музокаралар пайти.
Р. НУРИДДИНОВ тасвирга олган.

ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СУРАТДА: қабул пайти **Р.ЖУМАНИЁЗОВ тасвирга олган.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 18 декабрь куни мамлакатимиз ҳақида мақола тайёрлаш учун юртимизда меҳмон бўлиб турган Американинг «Институшнел инвестор» журнали журналистлари Мишель Луис Эрл ва Бен Айресни уларнинг илтимосларига биноан қабул қилди.

Ислом Каримов меҳмонларни мамлакатимизга ташрифи билан қутлаб, жаҳондаги кўплаб мамлакатлар ишбилармон доиралари орасида катта обрўга эга бўлган «Институшнел инвестор» журналининг Ўзбекистон ҳақида ўз ўқувчиларига ҳаққоний маълумотлар бериши иқтисодий ислоҳотларни амалга ошираётган мустақил республикамиз учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

Юртбошимиз суҳбат чоғида журналистларнинг Ўзбекистоннинг табиий ва иқтисодий имкониятлари, амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар жараёни, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар, миллий валютанинг қадрини ошириш борасида қилинаётган ишлар, халқаро молиявий ташкилотлар билан алоқалар ҳақидаги ва бошқа саволларига батафсил жавоблар қайтарди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ў. Султонов иштирок этди.

(ЎзА).

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

18 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш қўмитасининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлисни Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Б. Эшонов олиб борди.

Мазкур қўмиталарнинг аъзолари Олий Мажлис тўртинчи сессияси кун тартибига иккинчи ўқишда киритилаётган Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат Кодекси лойиҳасини кўриб чиқиб, уни сессия муҳокамасига тавсия этдилар.

Ф. САНАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИДА

Шу йил 21 декабрь куни ўз ишини бошлайдиган Олий Мажлис тўртинчи сессиясига тайёргарлик ишлари ҳал қилувчи паллага кирди. Парламент барча қўмиталари ва комиссияларида, сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Олий Мажлис Кенгаши томонидан тузилган ишчи гуруҳида сессия муҳокамасига тақдим этилаётган барча ҳужжатлар, белгиланган тадбирлар сўнгги бор депутатлар назаридан ўтказилмоқда. Умумхалқ муҳокамасига қўйилган лойиҳалар юзасидан, депутатларга тарқатилган қонун лойиҳалари бўйича келиб тушган таклиф ва мулоҳазалар парламент ишчи гуруҳи томонидан, стук мутахассислар ва олимлар кўмагида синчковлик билан ўрганиб чиқилди.

Олий Мажлис тўртинчи сессиясига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳининг 18 декабрь куни бўлиб ўтган йиғилишида ана шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Йиғилишни Олий Мажлис Раисининг ўринбосари, ишчи гуруҳи раҳбари Б. Шодиева олиб борди.

Ишчи гуруҳи таркибида тузилган кичик гуруҳларнинг раҳбарлари амалга оширилган ишлар ҳақида муфассал ахборотлар бердилар. Хусусан, гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Матбуот ва ахборот қўмитасининг раиси Ў. Ҳошимов сессия муҳокамасига киритилаётган барча қонун ҳужжатлари шу кунгача улар юзасидан тушган таклиф ва мулоҳазалар инобатга олинган ҳолда охирги таҳрирда тахт қилиб қўйилганлигини ҳамда улар депутатларга бармоқ етказиб берилганлигини маълум қилди.

Сессияга тайёргарлик ишлари республика оммавий ахборот воситаларида алоҳида жонланиш билан ёритилаяпти. Телекўрсатувларда ва радио дастури орқали туркум кўрсатув ва эшиттиришлар уюштирилди. Парламент ҳаётига оид мақолалар деярли барча газеталарда изчил бериб борилаяпти. «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида қўмита ва комиссия раисларининг мақолалари эълон қилинди. Энг муҳими, шу йўл билан халқимизнинг парламент ишидан мунтазам воқиф бўлиб туриши таъминланди. Йиғилишда журналистлар бу борадаги ишларни бугундан кейин ҳам даном эттирадилар деб ишонч билдирилди.

Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалиги қўмитаси раиси, гуруҳ раҳбари Х. Тошев сессия котибияти таркибига доир таклифлар муайян вилоятлар билан келишилган ҳолда тайёрланаётганлигини, сессияга таклиф этиладиганлар таркиби аниқланганлиги, депутатлар ва таклиф этилганларни рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ барча хизматлар тахт эканлигини маълум қилди.

Учинчи гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш қўмитасининг раиси И. Кочмарик сессияга ташриф буюражак депутатларнинг кутиб олиниши, меҳмонхоналарга жойлаштирилиши, уларнинг сессия билан боғлиқ ишлари самарали бўлиши учун барча ташкилий ва маиший хизматлар тайёр эканлигини қайд этиб ўтди.

Олий Мажлис Котибиятининг бошлиғи, ишчи гуруҳи раҳбарининг ўринбосари депутат О. Олимжонов Котибият ходимларининг депутатлар фаолиятига кўмаклашиш, сессияга тайёргарлик юзасидан белгиланган тадбирларни амалга оширишдаги иштироки ҳақида гапирди.

Олий Мажлиснинг тўртинчи сессияси янги парламент фаолият бошлаганлигининг бир йиллиги арафасида ўтади. Депутатларимиз ушбу анжуманга ҳар қачонгидан ҳам пухтароқ тайёргарлик кўришларида бу ҳол илҳомбахш омил бўлиб қолди. Энг муҳими сессияга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бирорта ҳам масала эътибордан четда қолмаслигига, сессия ишида юксак уюшқоқлик руҳи барқарор бўлишига эришиш зарур. Ишчи гуруҳининг йиғилишида сўзга чиққан барча депутатларнинг нутқида ана шу фикр ёрқин жаранглаб турди.

БИРИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ТЎРТИНЧИ СЕССИЯСИНИНГ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессияси 1995 йил 21 декабрь куни соат 10 да Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг мажлислар залида очилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ДЕПУТАТЛАРИ ДИҚҚАТИГА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари 20 декабрь куни соат 9 дан 18 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси мажлислар залининг фойесида рўйхатга олинади.

ҚОНУН — АМАЛДА

БАНКРОТ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик судининг хабар қилишича, зарар келтирувчи корхоналарнинг хўжалик-молия фаолиятини кўриб чиқиш билан шуғулланадиган давлат комиссияси Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги қонунига мувофиқ хўжалик судлари қабул қилган қарорларнинг асослилигини текшириб чиқди. Хўжалик судлари шу йилнинг 15 декабрига қадар тўлов қобилияти қолмаган корхоналарга нисбатан 128 та иш қўзғатди. Шу корхоналардан 42 таси банкрот деб эълон қилинди, 17 корхонага санкция тайинланди.

Илгари республика матбуотида банкрот деб эътироф этилган 21 корхона рўйхати эълон қилинган эди. Қуйида Ўзбекистон Республикаси хўжалик судларининг қарори билан банкрот деб эълон қилинган яна 20 корхона рўйхати илова қилинади.

Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари банкрот деб эълон қилган корхоналар рўйхати

Корхоналар	Қарор қабул қилинган вақт раҳбарнинг исми ва фамилияси
АНДИЖОН ВИЛОЯТИ	
«Саидакромхон» хусусий саноат-тижорат фирмаси	1995 йил 7 декабрь Б. Асқаров
«Асака савдо»	1995 йил 13 ноябрь Т. Олимжонов
«Асан — 2» кичик корхонаси	1995 йил 27 ноябрь А. Аблиев
Избоскан тумани савдо-тайёрлаш корхонаси	1995 йил 27 ноябрь Х. Миллибоев
Асака шаҳридаги 6-хўжалик бирлашмаси	1995 йил 27 ноябрь К. Камолова
Комсомолобод туманидаги «Гулистон» деҳқон хўжалиги	1995 йил 27 ноябрь Н. Болтабоев
ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ	
«Атторлик акционерлик жамияти	1995 йил 8 сентябрь У. Қулматов
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ	
«Шерик» масъулияти чекланган жамият фирмаси	1995 йил 16 ноябрь Б. Муминов
«Ўзбекистон» фермер хўжалиги	1995 йил 20 ноябрь Ш. Ҳусанов
«Тижорат» акционерлик жамияти	1995 йил 6 ноябрь У. Абдувалиев
«Лира» хусусий корхонаси Оққурғон шаҳри	1995 йил 11 декабрь А. Ким
НАМАНГАН ВИЛОЯТИ	
«Қобул» хусусий фирмаси Наманган шаҳри	1995 йил 28 ноябрь О. Қобулов
«Жаноб» хусусий фирмаси	1995 йил 1 ноябрь А. Эшонов
«Мангу» хусусий корхонаси	1995 йил 1 ноябрь Б. Йўлдошев
«Орзу-2» хусусий фирмаси	1995 йил 27 ноябрь О. Қўчқоров
Алишер Навоий номидаги хусусий корхона	1995 йил 4 декабрь Р. Жўрабоев
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ	
«Туманмевасабзавот» жамоа корхонаси	1995 йил 14 декабрь К. Боболимов
ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ	
«Кийим» савдо базаси акционерлик жамияти	1995 йил ноябрь О. Отақулиев
СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ	
Денов ёғоч тайёрлаш савдо-ишлаб чиқариш корхонаси	1995 йил 16 октябрь Р. Умаров
Термиз марказий универсал магазини	1995 йил 23 октябрь Ш. Менгноров

«Халқ сўзи» йўлланмаси билан

Пиримкул ҚОДИРОВ, Ўзбекистон халқ ёзувчиси

СИРДАРЁ ЖИЛОЛАРИ

Сирдарё вилоятининг ўзига хос бир жозибаси бор. Биз ёшлигимизда кўрган яйдоқ чўл ўрнини бугун обод бўстонлар эгаллаган. Бу бўстонларни бунёд этган чўлқуварлар Ўзбекистоннинг ҳамма вилоятларидан кўчиб келиб, янги ерларда уй-жойлик, бола-чақалик бўлганлар, кўплари шу ерда кексаро хам кўришлар. Меҳнат жараёнларида ҳам, тўй-маъракаларда ҳам андижонлик билан хоразмлик, тошкентлик билан бухоролик, наманганлик билан қашқадарёлик, самарқандлик билан сурхондарёлик, жиззахлик билан навоийлик доим ёнма-ён, якдил. Ҳаммалари бутун Ўзбекистонда шаклланган ажойиб бир инсоний гулдастадек кўринади. Барча вилоятларимиздаги фазилатлар бир-бирига қўшилиб, Сирдарё аҳолисидаги миллий ғурурни кучайтиради, «Биз Ўзбекистонликмиз» деган сўзлар бу ерда алоҳида ифтихор билан айтилади.

Менга болалик йилларимдан бери таниш ва азиз бўлган бу ўлкани ҳар йили бир неча бор кезиб чиқаман. Истиқлол йилларида Сирдарё вилояти ҳам катта бир уйғониш ва янгиланиш жараёнларини бошдан кечираётганига амин бўламан. Қаторда қуёш акс этганидек, бутун Ўзбекистонда юз бераётган яхши ҳодисалар сирдарёликлар онгида, уларнинг ҳаётлари ва тақдирларида жилоланиб акс этаётганига қуйидаги лавҳалар билан гувоҳлик бераман.

Яқинда Президентимиз Самарқандда ва Қаршида сўзлаган нутқларида жуда кўп мушкул муаммолар ва камчиликларни рўй-рост айтиб, булар республикамизнинг бошқа вилоятларига ҳам тааллуқли эканини кўрсатиб ўтдилар. Хусусан, сирдарёликлар учун бу ҳаққоний нутқларнинг мазмуни теран, ибрати ва сабоғи каттадир.

«ОЛОВ» УСТИДА МУЛОҚОТ

Тун ярмидан ошган. Кўпчилик одамлар ширин уйқуда. Фақат Ширин шаҳрида тунги сменада ширин уйқуни тарк этиб ишлаётган юзлаб энергетиклар кечаси билан мижжа қоқмай чиқадилар. Чунки электростанциялар ҳам инсон юраги каби туну-кун тиним билмайди. Сирдарё ГРЭСига Шўртангаз конидан ҳар куни 12 миллион кубометр газ оқиб келади.

Ҳажм жиҳатидан қиёс қилсангиз, катта дарёларни тўлдириб ўтадиган улкан оқимлардан кам эмас. Шундай зўр оловдарёсини жиловлаб, махсус қозонлар тагидаги ўтхоналарда ёндириш, сўнг бу оловнинг бор кучини электрга айлантириб, бутун Ўзбекистонга нур ва энергия тарқатиш фақат афсонавий паҳлавонларгина эплай оладиган беҳад улкан ишдек кўринади.

Махсус билимлар билан қуролланган ва инoқ жамоа бўлиб бирлашган юзлаб оддий одамлар Ширин шаҳрида афсонавий паҳлавонларнинг ишини қойилмақом қилиб уддалаётганини ўз кўзим билан кўрдим-у, дил-дилимдан уларга таҳсин айтдим.

ГРЭСга яқинлашганда даставвал одамни унинг салобати босади. Кўпқаватли бинонинг тепасида осмону фалакка бўй чўзган марказий мўри кўзга ташланади — унинг юксаклиги 320 метр. Кечалари учиб ўтган самолётлар унга урилиб кетмаслиги учун энг баланд жойларига беш-олтита катта қизил чироқлар ёқиб қўйилган. Ҳар соатда ярим миллион кубометр газнинг ёнишидан ҳосил бўладиган ҳароратнинг тафти ГРЭСнинг ҳамма жойида сезилади.

Ташқарида тун совуғи Бекобод шамолига қўшилиб изғиринга айланган. Ичкарида эса энсиз темир зинапоялар ҳам ёздагидек илиқ. Ўн қаватлик уйга баробар келадиган ўнта баҳайбат буғ қозонларида ҳарорат беш юз градусдан ҳам баланд. Шундай қаттиқ қиздирилган буғ 255 атмосфералик босим билан зўр турбиналар паррагини айлантиради-ю, ҳар соатда миллионлаб киловатт энергия ҳосил қилади.

Хонадонларимизда ишлаб турган телевизорлар, музлатгичлар, тунларимизни ёруғ қилган электр чироқлар бир соатда ярим киловаттга етар етмас ток олади. Сирдарё ГРЭСи эса ҳар соатда салкам икки миллион киловатт энергия ишлаб чиқараётибди. Мен буни бошқарув пультида тўқ қизил рангли йирик рақамларни нур билан ёзиб кўрсатиб турган экранга қараб билдим.

Бошқарув пультида навбатчи муҳандиснинг ёнида ишлаётган Озода Фозилова Ширин шаҳридаги энергетика техникумини бултур битирган экан. Бир йил давомида билими, қобилияти, ишчанлиги билан кўпчиликнинг эътиборини тортади. Бу орада бир қанча йирик мутахассислар ўринларига кадр тайёрланишини ҳам кутмасдан Россия томонларга кўчиб кетишади. Туғилган юрти тортган бўлса начора?

Энг масъулиятли ишлардан бири — тунги сменанинг навбатчи муҳандиси вазифасини бажаришдир. Бу вазифага қўйилган одам тунги смена давомида бутун станциянинг директори ҳисобланади ва ҳамма жавобгарликни ўзига олади. Бултур тунги сменанинг навбатчи муҳандиси бўлиб ишлайдиган тажрибали муҳандислардан бир қанчаси кўчиб кетди. То уларнинг ўрнига муносиб кадрлар топиб қўйилгунча ГРЭС директори Владимир Рубенович Меликисянц, бош муҳандис Шерали Усмонов, унинг муовини Баҳодир Абдураҳмонов кечалари ҳам шу ерда қолиб, навбатчилик қилиб чиқдилар.

Хайрият, Тошкент политехника университетини битирган ёш энергетиклар ишга келишди. Уларнинг ёнига Ширин энергетика техникумини яхши битирган Озода Фозиловага ўхшаш иқтидорли маҳаллий кадрлар қўшилди. Чунки уларга барча тажрибали мутахассислар иш ўргатдилар. Шаҳар ҳокими Исроил Эрбековнинг ўзи ҳам энергетика бўйича мутахассис бўлганлиги учун ёш кадрларнинг мураккаб мутахассисликларни эгаллашларига яқиндан ёрдам кўрсатди.

Бу ҳаммаси ўз самарасини бермоқда. Сирдарё ГРЭСидек улкан нурхонанинг йил давомида тўлиқ қувват билан бетўхтов ишлаши давлатга ҳар ойда юзлаб миллион сўмлик соф фойда келтириб турибди. Энг муҳими шуки, корхонанинг илғор сафда бораётгани — унда ишлаб турган юзлаб одамларнинг ҳаётига яхши ўзгаришлар олиб кираётибди.

Ана шу юзлардан бири бўлган Озода Фозилова билан олов дарёси устида туриб қисқагина суҳбатлашдик.

Марказий пультда унга олтита энг йирик электр узатгич линияларга белгиланган меёрда энергия бериб туришдек масъулиятли иш топширилган экан. Бу линиялардан бири Тошкентга, бири Тожикистоннинг Хўжанд шаҳрига, яна бири Қашқадарёнинг Ғузор туманига уланган. Ҳатто узоқ Хоразм ва Қорақалпоғистонга ҳам Ширин шаҳридан нур ва қувват боради. Шу юзлаб чақирим масофаларда агар электр узатгич симларнинг тирноқча бирор жойи зарарланса ҳам автоматлар буни дарҳол Озода кузатиб турган пульт экранида кўрсатади. Шошилинч чоралар кўрилиб, электр узатгич сим хатардан қутқарилади. Мабодо унинг бирор жойи узилса, бутун-бутун шаҳарлар, туманлар, ўнлаб қишлоқлар, минглаб хонадонлар нурсиз, электрсиз қолади. Аммо Озода Фозилова бутун ақл-идрокини, билимини ишга солиб, бундай фавқулодда кўнгилсизликларнинг олдини ола билади. У ўзини тарбиялаб мутахассис қилган устозларига муносиб ворис бўлишга интилади. Озода ишлаётган катта жамоа Ўзбекистондай улкан мамлакатнинг 30 фоизга яқин электр энергиясини ишлаб чиқармоқда. Сирдарё ГРЭСи қудрат жиҳатидан бутун Марказий Осиёда биринчи ўринда туриши Озоданинг эсига тушса дили ғурур билан яйрайди.

Бу нурхона жойлашган Ширин шаҳрига Алишер Навоий ёзган улуғ «Хамса»нинг чиройли ҳайкали ўрнатилган. Чунки Ширин шаҳри «Хамса»да меҳр билан тасвирланган афсонавий гўзал қизнинг номига қўйилган. Озода буни ўйлаганда дилидаги ғурур туйғуси яна бир даража ўсгандай бўлади. Улкан нурхонадан бошланадиган ифтихор ва меҳр туйғулари электр узатгич симлардан оқиб бораётган энергия каби бутун Ўзбекистонни қамраб олиши Озоданинг сўз оҳангидан сезилиб туради. Чиндан ҳам одам ўзи яшаб ва ишлаб турган жойига меҳр қўйса ундаги миллий ғурур ҳақиқий ватанпарварликка уланиб кетади. Озода «ватанпарварлик» деган сўзни тили билан айтмаса ҳам, унинг дилида бу туйғу кучли экани тунни тонгга улаб қилаётган ишидан билинади.

— Озодахон, яхши ишлаяпсиз экан. Қанча ойлик оласиз? — деб сўрадим.

— Икки мингга яқин.

— Ёшингиз нечида?

— Йигирма бирда.

— Оила қурганмисиз?

— Насиб қилса ... энди ... шу яқин вақтларда ...

— Тўй?

— Ҳа.

— Бахтли бўлинглар... Бўлажак куёв Сизнинг тунги сменада ишлашингизга қарши эмасмилар?

— Йўқ, нега? У киши ҳам энергетиклар. Техникумни бирга битирганмиз.

— Ҳозир қаерда ишлайдилар?

— Дарёнинг нариги қирғоғида электр цехида ишлайдилар. Уларда ҳам тунги смена бор.

— Балки ўша цех ҳам сизлардан энергия олар?

— Ҳа, ток биздан боради.

— Ўхшатмасдан учратмас деганлари рост экан-да. Сизнинг исмингиз Ширин шаҳрига жуда ярашади. Эҳтимол йигитнинг исми ҳам Фарҳодникига ўхшашдир?

Озода ийманиб ерга қаради; паст товуш билан:

— Кечирасиз исмларини айтолмайман... — деди.

Ёшлардаги ҳаё ҳам катта фазилат.

Мен Озодага ва унинг қаллиғига толъе ёр бўлишини чин дилдан тилаб хайрлашдим.

АСРЛАРГА ТУТАШ ТАҚДИРЛАР

Ховос атрофларида қадимги карвонсаройлар, қоровултепалар, машҳур Ипак йўлидан сақланиб қолган нодир белгилар кўп учрайди. Ховотоқнинг шифобахш сувидан ташқари Баланд Чақир, Сармич, Искандар, Жўлангар қишлоқларида ажойиб булоқлар ва Туркистон тизматоғидан оқиб келадиган тиниқ ариқлар бор.

Бу ерлар азалдан ширин-шакар мевалари, оқ чиллаки ва қора кишмиш майизлари билан машҳур бўлиб келган. Биз ҳам болаликда шу ариқдан сув ичиб, уларнинг бўйидаги боғларнинг меваларидан баҳраманд бўлиб ўсганмиз.

Бундан роса эллик олти йил бурун Жўлангар қишлоғининг тўлиқсиз ўрта мактабида сармичлик боғбоннинг ўғли Назрулла Ҳожиев билан бир синфда ўқиганим ёдимда бор.

Урушдан олдин мунтазам ишлайдиган мактаблар оз бўлган, шунинг учун болалар ҳозиргидай олти-етти ёшида эмас, балки, ўн-ўн бир ёшга етганда ҳам биринчи синфга қабул қилинаверар эди. Бундай болалар бешинчи-олтинчи синфга борганда ўн олти-ўн етти ёшлик йигитчалар бўлиб қолишарди. Назрулла ака ҳам биздан тўрт-беш ёш катта, баланд бўйлик йигитча бўлгани учун олтинчи синфда энг орқа қаторда ўлтирарди.

Кейин уруш бошланди-ю, бўронли йиллар ҳаммамизни ҳар томонга учириб кетди. Орадан эллик беш йил ўтгандан кейин синфдошлар бултур Сармичда қайта учрашдик.

Назрулла ака етмиш ёшдан ошиб, жуда нуроний бир мўйсафид бўлибди. Ўн етти ёшида Ватан урушига кўнгилли бўлиб кетган экан, тўрт йил сурункасига олдинги, қонли жангоҳларда юрибди. Кубанни, Донни, Қримни ва Украинани озод қилишда жасоратлар кўрсатиб орденлар олибди, тўрт марта оғир яралар бўлиб, олти ойлаб госпиталларда ётибди, тузалар-тузалмас яна жангга кириб, ахийри уруш тугаганда Сармичга ғалаба билан қайтибди.

Шу тарихий ғалабанинг эллик йиллиги муносабати билан Назрулла ака ҳам «Жасорат» медали билан мукофотланди. Аммо мукофот топширишга бағишланган катта йиғинга бетоблиги сабабли келолмади. Шунинг учун Ховос тумани ҳокими Абдуллажон Турдиқулов Назрулла акадан хабар олгани унинг уйига борганда мукофотни ҳам ўзи билан олиб келади.

Ўша куни менинг ҳам Сармичга йўлим тушган эди. Сўраб-сўраб, Назрулла аканинг уйини топиб борганимда мукофот топшириш маросими бўлаётган экан.

— Лекин буниси ажойиб бўлди! — деди Назрулла ака. — Шу «Жасорат» медали сессияда кўрилганда сиз маъруза қилганингизни телевизорда берган эди. Ҳатто рангли тасвири ҳам кўрсатилган эди. Қаранг, бу медаль илгариги баъзи орденлардан ҳам чиройли чиқибди-я! Бу мустақиллик деганингиз ҳамма яхши нарсанинг чиройини очиб, нур устига нур қўшар экан-да!

Қиш пайти эди. Ичкарида печкалик хоналар бўлса ҳам, Назрулла ака ойнаванд айвонга сандал қурдириб, совуқда зирқирайдиган эски яралар изини сандалнинг иссиғига тоблаб ўлтирган экан. Биз сандалнинг четида ўлтириб дарс тайёрлаган болалик йилларимизни эслаб кетдик. Дийдор кўришиш шодлигига Назрулла аканинг кўкрагига тақилган медальнинг қувончи қўшилди.

— Муборак бўлсин, сизга бу медаль жуда ярашди! — дедим.

— Ўзи Назрулла аканинг бутун ҳаёти жасоратдан иборат — деди Абдуллажон Турдиқулов.

— Тўғри-ю, — деди Назрулла ака, — лекин жасорат учун жазоланган даврларимиз ҳам бўлган.

Назрулла ака бундан ўн-ўн беш йил олдин бошдан кечирганларини эслаб кетди.

Ўша йилларда у Сармич, Искандар, Жўлангар қишлоқларининг бошини қовуштириб, 300 гектар майдонда шовуллаган янги боғлар ўстирган эди. Сув етишмаган йилларда энг бақувват йигитларни ёнига олиб, сел сувларининг олдини тўсар, уларни жиловлаб боғлар, экинзорларни суғорарди. Лекин «ўзбек иши», «пахта иши» деган машъум ҳодисалар бошланганда Назрулла ака ўстирган боғларга ҳам ҳужум қилувчилар пайдо бўлди.

Қулф уриб ўсган узумзор ҳар йили минг тоннадан ошириб ҳосил берар эди. Сара майиз бўладиган чиллакилар, кишмишлар, қишда ҳам сақланадиган каттақўрғони, ҳусайни узумлар ҳамманинг ҳавасини келтирар эди. Буёғи Зомину Жиззахда, уёғи Ўратепада Сармичнинг майизи бозорларнинг олд майизи бўлиб танилган эди. Узумлардан ажойиб шиннилар қилинарди. Дастурхонлар ва майизхоналардан ортиб қолган бир қисм узумлар вино заводига ҳам топшириларди.

Бундан ўн йиллар олдин Москвадан бошланган «ичкиликбозликка қарши» бесамар курашнинг тўполонлари Ховосга ҳам етиб келди. Бузғунчилик билан юқориларга яхши кўриниб амалдор бўлган айрим шахслар шундай яхши ҳосил бераётган боғларни «ичкиликбозликни йўқотамиз!» деган баҳона билан бузиб ташладилар. Не-не токларнинг энди кучга кирган занглари бульдозерлар ёрдамида ваҳшийларча ердан суғуриб олиниб, ёндириб юборилди. Ҳолбуки, Назрулла аканинг боғлари вино учун эмас, эл дастурхони учун, кўпроқ майиз қилиш учун ўстирилган эди. Лекин марказдан келган «десантчилар» хўжайин бўлиб олган юқори идораларда буни тушунадиган одам топилмади. Назрулла аканинг додига ҳеч ким қулоқ солмади. Узумзорлар бузилгандан кейин Назрулла ака ишдан бўшатилди, анорзор, тутзор, ёнғоқзорлар ҳам қаровсиз қолиб, аста-секин қурий бошлади. Иқтисодий қийинчиликлар кучайди.

Назрулла ака ич-ичидан куйиниб, касал бўлиб ётиб қолди. Урушда орттирган яраларининг асорати устига юқоридаги адолатсизликдан етган дил яралари қўшилди. «Наҳотки замон шундай кетаверса? Наҳотки ойнинг ёруғ кунларини кўриш менга насиб қилмаса?» деган савол қайта-қайта кўнглидан ўтиб руҳини эзарди.

— Лекин бизга насиб қилган энг ёруғ кунлар ҳали турган экан! — деб Назрулла ака ҳикоясини давом эттирди. — Ислом Каримов Президент бўлиб сайланганидан кейин бизнинг елкамизга ҳам офтоб тегди. Шу одамга доим узоқ умр тилайманки, қанчалик банд бўлишига қарамай тўқсонинчи йилда мени қабул қилди. Фақат мени эмас, бутун Ховос аҳлини қийнаб юрган муаммоларнинг ечимини топиб берди. Гап фақат аввалги уч юз гектарлик боғларни қайта тиклаш ҳақидагина эмас, Ховос туманининг юқори қисмидаги беш минг гектарлик серҳосил лалми ерларга сув чиқариш ҳақида бўлди. Юртбошимиздан умрбод миннатдормизки, Ховосдан бизнинг қишлоқларгача сув етказиб берадиган Чанговул насос станциясини қуриш ҳақида фармон чиқардилар.

Бу фармон асосида қурилаётган насос станциясининг иккинчи навбати ишга туширилиши муносабати билан шу йил ёзда Чанговул қишлоғига жуда кўп одам йиғилди. Мен уларнинг орасида юзларига қон югуриб, соғайиб кетган Назрулла акани ҳам кўрдим. Кители кўкрагига «Жасорат» медали тақилган, аввал олган орденларнинг ранг баранг колодкаси эса медалнинг ёнига қадаб қўйилган эди.

Яратилгандан бери оқар сув кўрмаган чанқоқ адрларда Сирдарё суви майин жилоланиб оқиб турар, шу йил баҳорда экилган ёш токларнинг яшил новдалари зумраддай тоза кўринарди.

Келажакда ҳали насос станциясининг яна икки навбати қурилиши, Чандовулдан бошланган токзорлар Баланд Чақир, Сармич, ва Искандарларга ҳам етиб бориши қувонч билан қайта-қайта тилга олинарди.

Насос станцияси орқали келган сув бўйида «Ниҳол» деган янги хўжалик пайдо бўлгани ва дастлабки уч юз гектар ерни ўзлаштиргани, айниқса, Назрулла аканинг шодлигига шодлик қўшмоқда эди.

— Алҳамдулилло, шу яхши кунларга етиб келдик! — дейди у. — Туманимиз бу йил ғалла бўйича ҳам, пахта бўйича ҳам режадагидан ошириб ҳосил кўтарди. Даромад яхши бўлди. Бир қисмини боғларга сарфласак, фойдаси ўн ҳисса бўлиб қайтади. Бу боғларнинг мевасини еб ўсадиган авлод биздан ҳам соғломроқ бўлади. Туяни миниб узоқни кўзлаган одам кам бўлмайди. Юртбошимиз доим келажак авлод учун жон куйдириши бежиз эмас!

Назрулла ака туя карвонлари билан ҳажга бориб келган ўз отасини эслаб кетди. Илгари замонда ҳаж йўлларининг азобига анча-мунча одам бардош беролмаган. Қанча-қанча бечоралар бу йўлларда адойи тамом бўлиб, ҳаётдан кўз юмган. Аммо ўзбек боғларининг меваларини еб, илиги тўла бўлиб ўсган одам энг зўр азоб-уқубатларга ҳам бардош берар экан. Буни Назрулла ака уруш вақтида ўз бошидан кечирди. Тўрт йил сурункасига фронтдан қайтмади. Оғир ярадор бўлган пайтларида «тирик қолиши гумон» деган докторлар бўлди. Лекин Назрулла ака туғилган юртидан олиб кетган соғлиқ захираларининг кучи билан барча ўлимларни енгиб қайтди. Бу ерда яна эллик йилдан буён шунча ишлар қилди.

Назрулла ака ўзи яхши кўрган ўзбек боғларининг келгуси асрга ҳам ўтишига, улар дунё тургунча тенгсиз мевалар бериб туришига дил-дилдан ишонади. Чунки бу боғларни яратган одамларнинг тақдирида асрлар мазмуни бор.

ЧЎЛДА ИНГЛИЗ МАКТАБИ

Оқолтин туманида ҳамма дарслар инглиз тилида ўтиладиган мактаб очилибди, деган янгилик мени қизиқтириб қўйди. Қанча одамлар чет тилларни хорижга бориб ўрганиб келади. Албатта, бунинг ўз қулайлиги бор. Лекин болалар ўз қишлоғида ота-она қаноти остида яшаб чет тилини мукаммал ўрганса, бунги нима етсин!

Чўл ерларда пайдо бўлган давлат хўжаликларидан бири илгари «Ўнинчи» деб аталарди. Энди бу — Бобур номидаги деҳқон фермер хўжаликлари бирлашмасига айланган. Икки қаватлик шинам мактаб биноси шу бирлашманинг кўзга кўринарли жойига қурилган. Мактабнинг номи ёзилган инглиз ва ўзбек тилларидаги ҳаворанг пештахталар узоқдан кўзга ташланади. Шу пештахталар олдида бизни кутиб олган ўқитувчиларга инглиз тилида:

— Хов ду ю ду! — деб салом бердим.

Улар ҳам инглизчалаб:

— Велком! Велком! — (яъни «хуш келибсиз»!) дейишиб ичкарига бошлашди.

Мен бу ерда чет эллардан ёки пойтахтдан келган инглиз тили мутахассислари ишбоши бўлсалар керак деб ўйлаган эдим. Ичкарига кириб муаллимлар билан яқиндан танишганда, уларнинг ҳаммаси ўзимизнинг халқимиз орасидан чиққан инглиз тили усталари эканини кўриб астойдил қувондим.

Бу тилнинг Оқолтиндаги бош устаси Шукрулла Фозиловни одамлар «инглиз йигит» деб аташар экан. Ўзи мана шу қўриқ ерларда туғилиб ўсган, Сирдарё пединститутининг чет тиллар факультетини битирган. Яхши мутахассис бўлиш учун пойтахтларда ўқиш шарт эмас экан, одам ўз касбига астойдил меҳр қўйса, бутун қобилиятини ишга солса, вилоят ва туманларда ҳам чет тилининг устаси фаранги бўлиб пишилар экан.

Оқолтин тумани ҳокими Абдураззоқ Қаюмов чет эл сафари олдидан ҳафтада икки-уч соат бўлса ҳам бўш вақт топиб инглиз тилини ўргана бошлади. Машқларни бирга ўтказиш учун унга Шукрулла Фозиловни тавсия қилишди. Бу йигитнинг тил ўргатишдаги маҳорати ҳокимга жуда ёқиб қолди. Инглиз тили машқларидан ҳоким мамнун бўлиб турган пайтда Шукрулла битта фикрни ўртага ташлади:

— Оқолтин тумани янгиликларни тез қабул қилиши билан жумҳуриятга танилган. Мана, бизда телестудия бор. Италия билан қўшма корхона қурдик. Агар туманимизда битта инглиз тили мактаби ҳам қурилса яхши бўларди-да!

Ҳоким ўйланиб туриб:

— Яхши эмас... — деганда Шукрулланинг тарвузи қўлтиғидан тушиб кетгандай бўлди. Лекин ҳоким сўзини тугатган эмас экан, жумланинг давомини айтганда Шукрулланинг вужуди яйраб кетди: — агар инглиз мактаби қурсак яхши эмас, балки аъло иш бўларди! Бизда мактабларни хўжаликлар ўз кучлари билан қураяпти. Қачонгача ҳамма нарсани давлатдан сўраб, боқиманда бўлиб юрамиз? Ахир болалар бизники-ку! Нега мактабни ўз пулимизга қуролмаймиз? Бу йил ҳамма режалар ошириб бажарилди, даромадимиз яхши. Туман бюджетидан ҳам пул ажратамиз. Бобур номли хўжаликда... 150 ўринлик инглиз мактабини қуриб берсак, кузгача сиз бу мактабни инглиз тили муаллимлари билан таъминлай оласизми?

— Таъминлайман! Бирга ўқиган дўстларим бор... Яхши шогирдларим бор... Ўқитувчилар етарлик бўлади.

— Дарсликлар, қўлланмалар-чи?

— Улар ҳам топилади!

— Ундай бўлса, қўлни беринг, мактаб шу йилнинг 1 сентябрига тайёр бўлади.

Улар қўл беришдилар. Бу аҳдлашув 1993 йилнинг май ойида бўлган эди. Сентябргача уч ой қолган. Мактаб биноси шундай тез қад кўтардики, Шукрулла Фозилов ўқитувчилар ва дарсликлар тайёрлашда орқада қолмаслик учун туну-кун елиб югурди. Икки томон ҳам ваъданинг устидан чиқиб, 150 ўринлик инглиз мактаби янги ўқув йилига тахт бўлди ва 1 сентябрда очилди. Лойиҳалаш вақтини айтмаганда, қурилишнинг ўзи 70 кунда битказилди. Бунга ҳамма қойил қолди.

Мактабда юқори синфлар ҳам бор эди. Бултур шу синфларни битириб, инглиз тилини яхши ўрганган болалардан катта бир гуруҳи Тошкент, Гулистон ва Жиззахда чет тиллар бўйича олий таълим даргоҳларига ўқишга кирдилар. Ҳадемай улар чет элларда ҳам, ўзимизда хориж билан ҳамкорликда қурилаётган корхоналарда ҳам юксак малакали таржимон бўлиб иш бошлайдилар.

— Мактабимиз кенгаяпти, — деди Шукрулла Фозилов — чунки инглиз тили ўқитувчиларига эҳтиёж катта. Яна эллик ўринлик интернат очаяпмиз. Туманимизнинг узоқроқ жойларидан инглиз мактабига келадиган болалар шу интернатда яшаб таълим оладилар.

— Бошқа жойларда ўқитувчилар «ойлик етмайди» деб мактабдан кетиб қолишаяпти. Сизда қалай?

— Бизда «кетаман» деган ўқитувчи йўқ. Чунки кетишнинг баҳона-ю сабаби иқтисод. Бизнинг туманда мактаблар иқтисод жиҳатидан яхши таъминланган. Мана, Бобур номли бирлашма бизга 40 гектар ер берган. Биз шундан 38 гектарига чигит экдик, ғўзани ўз кучимиз билан парваришлаб, 146 тонна пахта териб топширдик. Ҳайрият, бирлашмамиз режасини ошириб бажарди. Туманимиз бўлса 55 минг тонна пахта топшириб, илғорлар қаторидан ўрин олди. Биз топширган пахта ҳам шунинг ичида. Лекин банкда ўзимизга алоҳида ҳисоб варақаси очилган. Мактабимиз топширган пахтаси учун икки миллиондан ортиқроқ даромад олади. Бунинг бир қисмини янги синф хоналарини жиҳозлашга, таъмирлаш ишларига сарфласак, бир қисмини яхши ишлаган ўқитувчиларнинг ойлигига қўшиб берамиз. Аълочи болаларга стипендия белгиланди. Муҳтожларга ёрдам... Ҳаммаси бир бўлиб, матабимиз тўла куч билан барқарор ишлайди...

Мен «биргина шу мактаб учун яхши шароит яратилганмикин?» деб ўйлаб, қўшни хўжаликлардаги мактаб ўқитувчилари билан ҳам сўзлашдим. Йўқ, Оқолтин туманининг ҳамма мактабларини хўжаликлар ўз ҳимояларига олган эканлар. Ҳамма мактабларга ер ажратилган, пахтадан юқори ҳосил етиштиришга ёрдам берилган. Ҳар бир мактаб жамоаси миллион сўмлаб даромад олган. Бу даромад банкда, мактабнинг ўз ҳисоб варақасида туради...

Мактабларга туман ҳокимияти ва бақувват хўжаликлар томонидан кўрсатилаётган бу ғамхўрлик юртбошимизнинг Самарқандда сўзлаган нутқларида шу ҳаётий масалага ҳам алоҳида эътибор берганларини ёдимга туширди.

ОЛТИН ТУПРОҚ ИЛТИЖОСИ

Сирдарё вилоятининг бир чети Боёвут, иккинчи чети Оқолтин. Бу икки туман ҳам октябрь ойидаёқ барча режаларни адо этиб, илғорлар қаторида яна минглаб тонна қўшимча пахта топширишди. Жанубда Ховос, ўрталиқда Гулистон туманлари ҳам отни қамчилаб яхши кунларда маррага етишди. Аммо шу тўртта туман оралиғида жойлашган Меҳнатобод пахта режасини бажаролмай, орқада қолиб кетди.

Бу туманга ёзда ғалла ўрими пайтида борганимда аҳвол яхши, умидлар катта эди. Лекин саратон жазирамасида нарёғи Қирғизистоннинг Норин ГЭСи, берёқда Тожикистоннинг Қайроққуми сувни қисиб қўйган пайтда Сирдарё билан Жиззахнинг анчагина пахта пайкаллари мўлжалдаги сувни ололмади. Фақат бир сув билан сўлғин бўлиб ўсган ғўзалар кўсакни кам тугди.

Тўғри, қаловини топса қор ёнар, деганларидек, сув танқислиги шароитида тилга олинган тўртта туман планларини бажарди...

Менга қадрдон кишилар ишлаётган Меҳнатобод туманидан шу долзарб кунларда бир хабар олиш ниятида хўжаликларни айланиб, ёру биродарлардан ҳол-аҳвол сўраб чиқдим. Сўнг дала шийпонида Охунбобоев номли хўжаликни бошқараётган Абдуфаттоҳ Солиев билан узоқ суҳбатлашдик.

Бутун вужуди офтобда қорайиб пишган, африкаликларни эслатадиган бу дуркун йигит Андижоннинг Бўз туманида машҳур механизатор Манноп Жалоловнинг издоши сифатида эл-юртга танилиб, Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган эди.

— Бу ерда Бўздагидан икки баробар кўп меҳнат қилдик, лекин натижа кўнгилдагидек бўлмади, — деди Абдуфаттоҳ афсус билан.

— Планни тўлдирибсиз, деб эшитдикку. Табриклашга келувдим.

— Раҳмат! Бизнинг хўжалигимиз режани юз қилди, маррага етди. Бунга шукур қиламан. Лекин туманимиз ҳам, вилоятимиз ҳам, маррага етолмаганидан кейин битта ўзингиз дўппини осмонга отиб суюнолмас экансиз. Ён-веримизда банкдаги ҳисобида пули қолмаган, одамларга меҳнат ҳақини қандай тўлашни билмай қийналаётган хўжаликлар бор. Одам ачинади.

— Қизиқ: кўсак санашганда гектаридан ўттиз-қирқ центнер оладигандай кўринасиз. Лекин пахтани териб тарозига қўйганингизда тош босмайди. Ғарами катта-ю, вазни йўқ. Ернинг шўри пахтанинг ғозини олиб қўяр экан, чигитининг ҳам салмоғи бўлмас экан.

Мен дала айланганимда баъзи пайкаллар очилган пахтадан эмас, ернинг шўридан оқариб кетганини кўрганим эсимга тушди.

— Қишда ернинг шўри яхшироқ ювилмаган эканми? — дедим.

— Рост, ўзимиздан ўтган камчиликлар ҳам кўп. Бу ерларнинг тилига яхши тушунмаган эканмиз. Бўлмаса, қишда даланинг шўрини роса ювдик, яхоб ҳам бердик. Лекин, бу ердаги далаларнинг ер ости суви жуда яқин, шундай юзага келиб қолган. Сабаби, очиқ зовурлар йўқ. Бир вақтларда ёпиқ дренажлар қилинган экан. Ўн-ўн беш йилдан бери тозаланмай, ичи тўлиб қолибди. Шўр сувни пастга тортмайди, аксинча, юқорига қалқитиб чиқаради. Илгари «Земснаряд»га ўхшаган махсус машиналар бўлар эди, икки юз, уч юз метрлик йўғон шланглар орқали шўрни ёпиқ дренаждан тортиб олар эди. Ҳозир улар йўқ, эскириб, бузилиб тамом бўлган. Янгиси Россияда қилинар экан, «кераксмас» деб чиқармай қўйишибди. Энди бирдан-бир йўл шуки, ёпиқ дренажларнинг ҳаммасини очиқ зовурларга айлантириш керак. Ҳисоблаб чиқсак, ўнлаб километр зовурлар қазиш учун йигирма-ўттизта экскаватор йил бўйи ишлаши керак. Ҳар битта экскаватор ярим миллион, бир миллион туради...

— Тошкентда заводи бор, боёвутликлар сотиб олишибди-ку, — дедим.

— Тўғри, мен ҳам Боёвутга семинарга бориб, уларнинг ишларига ҳавас қилиб келдим. Қаранг: Боёвут туманида жами ўттизта экскаватор ишлаб турибди. Уларнинг ишини туман сув хўжалигининг бошлиғи Турдиқул Абдужалилов деган мутахассис бошқарар экан. Ўзи араб мамлакатларида ҳам бир неча йил мелеорация бўйича ишлаб келган тажрибали йигит... «Арабистонларда оқар сув кам, борини шўрлантирмай тоза тутиш биринчи масала» дейди. Бизда ҳам ернинг бутун шўри сувдан келади-ку ахир. Боёвутликлар ҳамма ерларни зовурларга қараб нишоб қилиб текислашган. Ер остидаги шўр сув доим зовурга қараб оқади. Қишда яхоб берганда ҳам, ернинг юзасидан пастига сирқиб тушган шўр сув зовурга боради. Шунинг учун зовурлар доим тозалаб турилади. Ишонасизми, битта катта экскаваторда мана-ман деган механизатор кун чиққандан то кун ботгунга қадар тинмай ишласа 150 — 200 метр зовур тозалайди. Ҳолбуки, Боёвут туманидаги ҳамма очиқ зовурларнинг умумий узунлиги 250 минг метр экан! Шунча зовурнинг бари ҳар йили тозаланади, шўр сувлар улар орқали бетўхтов оқиб чиқиб кетади. Боёвутликлар ерни шунчалик эъзозлаб, шўрдан тозалаб, уғитини вақтида бераётганликлари учун ҳам катта ҳосил кўтаришаяпти, фақат Сирдарё эмас, бутун жумҳуриятда олдинги сафга чиқиб бораяпти.

Абдуфаттоҳ Солиев менинг дилимдаги гапларни айтмоқда эди. Мен ҳам Боёвутга борганимда туман ҳокими Аҳаджон Пиримқуловнинг ўзи ер парваришига, айниқса, шу соҳада ишлайдиган одамларга жуда катта эътибор берилаётганининг гувоҳи бўлдим. Гап фақат пул топиб, зовур тозалайдиган экскаваторлар сотиб олишдагина эмас. Илгари бу экскаваторларнинг кўпини русизабон мутахассислар бошқарарди. Кейинги йилларда уларнинг аксарияти шаҳарларга кетиб қолди. Боёвут хўжаликларида механизаторлар орасидан иқтидорли ёшларни танлаб олиб экскаваторчилар курсига ўқитилди, сўнгра бир неча ой яхши экскаваторчига шогирд қилиб қўйилди. Мана, ҳозир тумандаги экскаваторларнинг ҳаммаси ўз ҳайдовчисига эга бўлди. Бу касбга иззат-эҳтиром жуда баланд. Хўжалик бошлиқлари экскаваторчи ишлаётган жойга тез-тез бориб хабар олишади. Унинг рўзғорига керакли гуручми, унми, пахта ёғими айтган куни уйига етказиб берилади. Ишқилиб экскаватор ишдан тўхтамасин, зовурлар тоза бўлсин. Ўшанда далалар ҳам покиза, атроф муҳит ҳам бадбўй балчиқлар, чивин-чиркайлардан қутилади, ҳосил ҳам кўтарилиб бораверади. Фаровон яшашнинг зўр бир омили шу эмасми?

— Ҳақиқатдан, ерингни сийласанг, элингни сийлаган бўлар экансан, — деди Абдуфаттоҳ Солиев — Ерини шўр бостирган деҳқоннинг пешонасидан шўр аримас экан! Мирзачўл ерларининг шўри ҳозир менинг энг катта душманим десам ишонаверинг. Фақат мен эмас, ҳокимларимиз ҳам, деҳқонларимиз ҳам ана шу душманни қандай енгиш ҳақида бош қотиришаяпти. Аммо давлатдан катта маблағлар сўрашга тилимиз бормайди. Боқиманда бўлишни истамаймиз. Эҳтимол, туғилган юртимиз Андижон ёрдамга келар. Ахир Сирдарё вилояти билан Андижон вилояти жуда иноқ. Бу йил теримда ўн минглаб андижонликлар поездларда Сирдарёга келиб, ҳосилни йиғиб олишда ёрдам бердилар. Андижонликларда техникалар ҳам кўп, куч ҳам катта. Улар ҳатто Қозоғистоннинг Талдиқўрғон вилояти билан ҳамкорлик қилиб, шунча узоқ жойларда ғалла экиб даромад олишаяпти. Сирдарё вилояти Талдиқўрғондан кўра юз чандон яқин эмасми? Икки вилоят ўзаро шартнома тузса, биргалашиб Сирдарё вилоятида мелеорация ишларини амалга оширса, ерларни шўрланиш балоларидан биргалашиб қутқарсак, биз ҳам Боёвутга ўхшаб юксак ҳосиллар олишимиз мумкин. Бунинг даромади икки вилоятни ҳам бой қилмайдими? Лекин шўрланган ерларнинг шу аҳволда ташлаб қўйиб бўлмайди! Шўр ҳам микробдай тез тарқайдиган касаллик экан. Энг катта бойлигимиз — еримиз, олтин тупроғимиз «бу касалликдан мени сақланг!» деб илтижо қилаётгандай туюлади менга! Кечалари уйқум қочиб кетади... Лекин ноумид шайтон. Мен ишонаман, мустақиллик шарофати билан ҳал бўлаётган жуда кўп муаммолар қаторида мен айтган бу муаммо ҳам бир кун ҳал бўлади.

Мен Меҳнат қаҳрамони Абдуфаттоҳ Солиевнинг бу ишончига чин дилдан қўшиламан.

Долзарб мавзу

ЎСИМЛИК МОЙИ НЕГА ТАҚЧИЛ?

Мухбиримиз Самарқанд қишлоқ хўжалиги институти ўсимликшунослик кафедраси профессори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори Дилором Ёрматовага ана шу савол билан мурожаат этди

БУ БЕЖИЗ эмас. Чунки, Д. Ёрматова кўп йиллардан бери истеъмол учун нафақат ярокли, балки кўп жиҳатдан инсон организми учун жуда фойдали мой олинадиган ўсимлик турлари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, мол ёғларига нисбатан афзаллиги, республика шароитида экиш ва парваришлаш имкониятларини ўрганиш билан шуғулланиб келади. Қуйида олиманинг мухбиримиз саволига жавоби билан танишасиз.

— ҲАҚИҚАТАН ҳам бу савол кейинги пайтларда нафақат мутахассис-олимлар, балки истеъмолчиларни ҳам қизиқтирмоқда. Бундан беш-олти йил илгари «ўсимлик мойи камайиб бориб, нархи ҳам мол ёғлари баҳоси билан тенглашиб қолади», деган гапга деярли ҳеч ким ишонмаган бўлур эди. Мана ҳозир четдан олиб келинадиган кунгабоқар мойи 50 сўмдан 72 сўмгача бўлса, бозорларда ўз сигири сутидан уйида ажратиб олиб келган сарёғ ёки мол ёғларини 55—60 сўмга олиш мумкин.

Чуқурроқ ўйлаб кўрадиган бўлсак, бир кило ўсимлик мойи етиштириш учун сарфланган харажат билан шунча мол ёғи олишга кетган озуқа бирлиги ўртасида фарқ бор. Ҳисоб-китоблар шуни аниқ кўрсатмоқдаки, хўжаликлар шароитида ўсимлик мойи етиштириш сарф-харажатлари мол ёғи етиштиришга қараганда 10—12 баравар кам. Четдан мой олиб келувчилар ҳар хил тўловлар қийматини унинг устига қўйганлари учун нархи 70 сўмгача кўтарилса, оддий қишлоқ меҳнаткаши ўз уйида тайёрлаб келган маҳсулотини тезроқ сотиб кетиш учун нархини арзон белгилайди.

Аммо биз, олимларни ташвишлантирган нарса мойнинг нархи эмас, балки унинг кейинги пайтда камайиб бораётганидир. Бозор ва дўконларда фақат ўсимлик мойи эмас, балки ундан олинадиган совун, бўёқ, лак, олиф мойи, кунжара, шрот каби бошқа маҳсулотлар ҳам тақчил бўлиб бораяпти. Чунки, бу маҳсулотларнинг ҳаммаси ўсимлик мойини қайта ишлашдан чиқади. Агар хомашё кам бўлса, қайта ишлашдан олинадиган маҳсулотларнинг ҳам камайиши аниқ. Ўзимизда ишлаб чиқарилган совунлар дўконларимизда бироз арзон нархда кети узилмай, сероб бўлиб турса, аҳоли имкониятига қараб, чет элникини олишга мажбур бўлмай, шу совунлардан харид қиларди.

Яна бир муаммо кунжара тақчиллигидир. Шрот ва кунжара сигирлар сутини кўпайтирадиган, бўрдоқиларнинг тез семиришини таъминлайдиган энг тўйимли озуқадир. Бугунги кунда республикамиздаги деярли ҳамма хўжаликларда ана шу озуқа турларининг тақчиллиги сезилмоқда. Хўш, бу тақчилликнинг сабаби нимада? Бу саволга жўнгина жавоб бериб «аввало чигитнинг камайиб кетишига боғлиқ», деб қўя қолиш мумкин. Аммо биз, олимларни бир нарса ўйлантиради. Ҳозир республикада йилига ўртача 4 миллион тонна пахта етиштирилади. Агар шунча хомашё чигитидан мой ажратиб олинса, эҳтиёжимизга етиб ортади. Бироқ, мой олиш саноати мутахассисларининг айтишларича, кейинги пайтларда, йиғиб-териб олинаётган пахта чигитининг ҳаммаси ҳам мой беришга ярокли эмас. Бунинг сабаблари кўп. Масалан, чигит ҳали яхши пишиб етилмай туриб, ғўза дефолиация қилинади, оқибатда охирида терилган пахтанинг чигити пуч бўлиб қолади. Иккинчидан, пахта қишда ғарамларда сақланаётган пайтда қизиб қолиб, чигит таркибидаги мой истеъмол учун яроқсиз ҳолга келади. Учинчидан, кўкламда айрим минтақаларда об-ҳаво ноқулай келиб, чигит 2-3 марталаб қайта экилади. Бунинг устига кўпгина хўжаликларда чигитни уяларга аниқ ташлайдиган экиш агрегатларидан фойдаланишга яхши эътибор берилмайди ва зич униб чиққан ниҳоллар ортиқча сарф-харажат эвазига ягана қилинади. Ҳолбуки, юлиб ташланадиган ўша ниҳоллар айни мой берадиган тўқ чигитлардан униб чиққан.

Бутун ер шарида истеъмол қилинадиган ёғнинг асосий қисми ўсимлик мойларидир. Чунки, у инсон организмида мол ёғига нисбатан тез ва осон ҳазм бўлади, холестерин тўпланмайди.

Шундай экан, бизда ўсимлик мойини кўпайтириш учун нималар қилиш зарур бўлади?

Аввало, пахта мойини кўпайтириш чораларини кўриш лозим. Чунки, бизда чигит етарли, фақат ундан расамади билан, самарали фойдаланилса бас. Иккинчидан, мой берадиган ўсимликларни республикамиз шароитида экиш, парвариш қилиш имкониятларини ўрганиб чиқиш керак. Бизнингча, ҳар бир ўсимликнинг биологик хусусияти ва умумий алмашлаб экиш тизимига қай даражада мос тушишига қараб, лалми ва суғориладиган ерларга жойлаштириш мақсадга мувофиқдир.

Мой олинадиган ўсимликларнинг тажриба-синов жараёнидан муваффақиятли ўтган ва бир қатор мамлакатларда етиштирилиб, яхши самара кўрилаётган кунжут, маҳсар, зиғир, соя, кунгабоқар, ерёнғоқ, хантал, рапс, ундов каби турлари мавжуд. Аммо бизда бу ўсимликларнинг бирортасига шу пайтгача жиддий эътибор берилмай келинади. Айрим илмий-тадқиқот ишларини ҳисобга олмаганда, бу мойли экинларнинг кўпи бизда деярли экилмайди. Сабаби эса маълум: юқорида айтганимиздек, яқин йилларгача пахта мойи ва ундан олинадиган маҳсулотлар етарли эди.

Тўғри, лалми ерларда озми-кўпми кунжут ва зиғир экилиб, жувозда мойи олинарди. Бироқ ер юзида кенг тарқалган соя ўсимлигига озуқа экини сифатида қаралади. Ерёнғоқ бирмунча кўп экилгани билан ҳосилидан кондитер саноатида фойдаланилади ва асосий қисми яқин хорижга жўнатилади.

Марказий Осиё минтақасида қадимдан экиб келинган, биологик хусусиятига кўра фақат лалми ерларда яхши ўсадиган маҳсар ўсимлиги қирқинчи йилларнинг охирига келиб, бутунлай унутиб юборилган эди. Ниҳоят, кейинги икки йилдан бери у республиканинг баҳорикор хўжаликларида экилиб, яхши самараларга эришилмоқда. Айтиш мумкинки, бизнинг лалми-баҳорикор шароитдаги зироатчилигимизда маҳсар бошқа турдош экинларга нисбатан иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги тажрибада исботланди. Чунончи, Тошкент ва Самарқанд вилоятларининг айрим хўжаликларида катта-катта майдонларга маҳсар экилмоқда. Чунки, бу экин уруғида инсон организми учун бирорта ҳам зарарли модда йўқ. Шу боис ундан, ҳатто, минизаводларда ҳам мой олиб, истеъмолга чиқараверииш мумкин.

Бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бири мойли экинларни суғориладиган майдонларга жойлаштириш имкониятини излаб топишидир. Уларнинг айримлари (масалан, зиғир) ни эрта баҳорда экиб, ҳосили йиғиштириб олингач, ўрнига сабзавот ёки маккажўхори экилса, айримларини дон экинларидан кейин экиб, яхши ҳосил олиш мумкин. Чунончи, кунжутни фақат лалми ерларга эмас, кўпгина туманларда кузги арпадан кейин экиб, яхши ҳосил олса бўлади. Гап шундаки, кунжит энг мойли ўсимлик бўлиб, 100 килосидан 60—63 кило мой тушади.

Агар ерёнғоқ билан соя кузги арпадан бўшаган майдонларга экилса, ҳосили йиғиштириб олингандан сўнг ўрнига кузги дон турларини экиш имконияти туғилади ва натижада бир майдоннинг ўзидан уч марта ҳосил олинади. Маҳсарни эса бизнинг шароитимизда кузги қилиб экиш ҳам мумкин. Чунки, куздаёқ униб чиққан майсалар дастлабки қуёш нури ва намдан тўла баҳраманд бўлиб, ғуркираб ривожланади.

Ўйлаймизки, республикамизда мойли ўсимликлар селекцияси яъни янги, самарали навлар яратиш борасида шу пайтгача давом этиб келган лоқайдлик, эътиборсизликка чек қўйиб, ҳам илмий, ҳам амалий тадқиқотларга киришиш пайти келди. Ҳозир бизда мойли экинлар хусусиятларини ўрганиш билан шуғулланадиган бирорта ҳам илмий марказ йўқ. Агар мойли экинларнинг маҳаллий намуналари тўпланиб, турли тупроқ ва иқлим шароитидаги хусусиятлари ўрганилса, эртанги кун талабларига мос хайрли иш қилинган бўлур эди. Бу соҳадаги илмий изланишлар моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланишга муҳтож эканлиги боис, аввало, мутасадди ташкилотлар ҳар томонлама ўйлаб кўришлари мақсадга мувофиқдир. Зеро, мойли экинларнинг ўзимиздаги турли иқлим ва тупроқ шароитига ҳар жиҳатдан мос, серҳосил навларини яратиш ва минтақалар бўйича оқилона жойлаштириш республиканинг озиқ-овқат мустақиллигига эришиши йўлидаги дадил ва тўғри қадамлардан бири бўлур эди.

«Халқ сўзи» мухбири
А. ЙЎЛДОШЕВ
ёзиб олди.

ТОШМУҲАММАД АЛИЕВИЧ САРИМСОҚОВ

Ўзбекистон фани оғир жудоликка учради. Атоқли олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги Ўзбекистон Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқов 81 ёшида вафот этди.

Ўлим сафимиздан ажойиб инсон, жаҳонга машҳур олим, илм-фан ва олий таълимнинг таниқли ташкилотчиси, кўзга кўринган жамоат ва сиёсат арбобини олиб кетди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов мамлакатимиз ва хорижда математик илмий жамоатчилик орасида эҳтимоллик назарияси, функционал, умумий топология ва уларнинг қўлланилиши соҳасидаги теран тадқиқотлар муаллифи сифатида танилган эди. У математикада истиқболли янги йўналишларга асос солган эди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов Тошкентда ташкил этган функционал таҳлил ва эҳтимоллик квант назарияси мактаби шу илмий йўналиш негизида муваффақиятли ишламоқда ва ривожланмоқда.

Тошмуҳаммад Саримсоқов 1915 йил 10 сентябрда Андижон вилоятининг Шаҳрихон қишлоғида туғилган эди. У 1936 йилда Ўрта Осиё Давлат университетини, сўнгра аспирантурани битиради.

Тошмуҳаммад Саримсоқов иккинчи жаҳон уруши йилларида армия сафида хизмат қилди, эҳтимоллик назарияси, математик статистика масалалари билан жиддий шуғулланишни давом эттириб, 1942 йилда докторлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади.

Тошмуҳаммад Саримсоқов республика Фанлар академиясининг асосчиларидан бири бўлиб, 1943 йилдан бошлаб Ўзбекистон Фанлар академиясининг вице-президенти, 1946 йилдан 1952 йилга қадар академия президенти лавозимида ишлади. Йигирма йил давомида Тошкент Давлат университетига бошчилик қилди ҳамда республика олий ва ўрта махсус таълим вазири бўлиб ишлади.

У кўплаб халқаро илмий ҳамда ижтимоий-сиёсий анжуманларнинг иштирокчиси, 200 га яқин илмий ишнинг муаллифи бўлиб, юқори малакали илмий ходимларни тайёрлашга алоҳида эътибор берар эди. У барпо этган илмий мактабда 40 дан ортиқ фан доктори ва номзоди устозининг ишини давом эттирмоқда.

Тошмуҳаммад Саримсоқов ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этган, кўпгина чақириқ Ўзбекистон Олий Кенгаши депутатлигига сайланган эди. У Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик совет қўмитаси раисининг ўринбосари, Осиё ва Африка мамлакатлари билан бирдамлик Ўзбекистон қўмитасининг раиси лавозимида ишлаб, халқлар бирдамлигини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшган арбоб эди.

Тошмуҳаммад Саримсоқов илм-фан ва олий таълимни ривожлантиришдаги улкан хизматлари учун Меҳнат қаҳрамони унвонига сазовор бўлган, кўп орден ва медаллар билан мукофотланган эди.

Ажойиб олим Тошмуҳаммад Алиевич Саримсоқовнинг ҳаёти ватанга ва ўз халқига фидокорона хизмат қилишнинг намунасидир. Бу ажойиб инсон ва улкан олимнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

И. Каримов, С.Саидқосимов, Т.Алимов, А.Азизхўжаев, Т.Жўраев, П. Ҳабибуллаев, А.Холмуродов, А.Абдуваҳобов, И.Искандаров, М.Комилов, Ш. Аюпов.

Ғазалкент шароб маҳсулотлари ишлаб чиқариш корхонасида Германия технологияси ёрдамида кунига 24 тоннага яқин печенье маҳсулоти тайёрланмоқда. Бунда сиз суратда кўриб турган цех бошлиғи Владимир Андрюхиннинг ҳам ҳиссаси катта.

Х. МИРЗАКАРИМОВ
тасвирга олган.

ФАКТ ВА ШАРҲ

МУТАСАДДИЛАР ФАОЛ БЎЛИШЛАРИ КЕРАК

Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибига ўзгартиришлар киритилиши муносабати билан пенсия олувчи кўплаб фуқаролар маслаҳат сўраб, қўнғироқ қилишмоқда. Шу сабабли, мухбиримиз республика Ижтимоий таъминот вазирлиги пенсия хизматини ташкил этиш бош бошқармаси бошлиғи Р. ХОЛМУРОДОВга бир неча саволлар билан мурожаат этди:

— Раҳматулла Холмуродович, ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартибида қандай ўзгаришлар бор?

— 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ишловчи 2-жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчиларига ҳамда уларга тенглаштирилган шахсларга, I ва II гуруҳ ногиронларига, Чернобиль ҳалокати оқибатларини тугатишда иштирок этган кишиларга тўла миқдорда, қолган барча турдаги ишловчи пенсионерларга эса тайинланган пенсиянинг 50 фоизи миқдорида тўланади.

— Уларга пенсиялар қаердан бериб борилади? Иш жойлариданми ёки...

— Корхона, муассаса, ташкилот, хўжаликларда ишлаётган пенсионерлар пенсияларини иш жойларидан, якка тартибда, шу жумладан, деҳқон-фермер хўжаликларида меҳнат қилаётганлар эса почта боғламлари ёки Халқ банклари орқали оладилар.

— Ишлаётган фуқароларга пенсиялар қайси маблағ ҳисобидан тўланади?

— Барча пенсиялар каби уларга ҳам ижтимоий суғурта жамғармаси маблағи ҳисобидан тўланади.

— Янги тўлов тартиби жорий қилиниши муносабати билан ишлаётган пенсионерлардан маълум ҳужжатларни тўлдириш талаб этилса керак?

— Ҳа, албатта. Уларга ижтимоий таъминот бўлимларимизнинг махсус топшириқлари асосида пенсия берилади. Шу сабабли, барча корхона, ташкилот, муассаса, жамоа хўжаликлари ва ширкатларнинг маъмуриятлари 1995 йил 20 декабрга қадар ишловчи пенсионерларнинг рўйхатини тузиб, буни улар истиқомат қилаётган туман ёки шаҳардаги ижтимоий таъминот бўлимларига топширишлари керак. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу қайси идорага бўйсуниши, хўжалик юритиш усули ва мулкчилик шаклидан қатъий назар, барча корхона ёки муассасалар учун мажбурийдир. Шундан кейин ижтимоий таъминот бўлимлари уларга янги тўлов ҳужжатларини тақдим этадилар. Ушбу ҳужжатлар эса шу йил 25 декабрдан бошлаб берилади.

Ишловчи пенсионерлар меҳнат қилаётган жойлардаги мутасаддилар ана шу тадбирни амалга оширишга масъулият билан ёндашсалар, пенсионерларнинг ўз пулларини узилишларсиз, сансалорликларсиз олиши таъминланади.

«Халқ сўзи» мухбири
Т. МУҲАММАДИЕВ
суҳбатлашди.



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳузуридаги хўжалик ҳисобидаги инкассация бирлашмаси ушбу бирлашманинг вагон кузатувчиси Азим Қобилович Аҳмедовга 1994 йил 31 январда берган

ИГ 01104 — рақамли йўқолган гувоҳнома
БЕКОР ҚИЛИНАДИ.

ЛОҚАЙДЛИК ВА МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК УЧУН... МУКОФОТ

(Кичик фельетон)

Наманган шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмасида ўз вазифасига совуққонлик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлган мутасаддиларни рағбатлантириш одат тусига кириб қолган, десам, ишонаверинг. Масалан, 1-уй-жойдан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси жамоасида (раҳбарлари Н. Собиров ва З. Обидов) ўтган йилнинг охирги чорагида иш қониқарсиз олиб борилаётгани, айниқса, авария-диспетчерлик хизмати ва фаррошларнинг фаолияти талабга жавоб бермаслиги ҳамда бошқа йўл қўйилган камчиликлар кўп қаватли турар жой биноларида яшовчи фуқароларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлганди. Оқибатда шаҳар ҳудудий коммунал фойдаланиш бошқармаси раҳбарияти томонидан Н. Собиров ва З. Обидовга ҳайфсан берилган эди. Лекин йил якунида эса уларнинг ҳар иккаласи ҳам шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмаси томонидан мукофот пули олишди. Бу ҳам етмагандай, бошқарма бошлиғи Н. Собиров ва бош муҳандис З. Обидов 1995 йил давомида ҳар ойда мунтазам равишда моддий рағбатлантирилиб келинди.

Бундай антиқа усул, яъни жазо ўрнига мукофот бериш туфайли, албатта, аҳолидан, хусусан, кўп қаватли биноларда истиқомат қилувчи фуқаролардан келаётган шикоятлар кўпайгандан кўпайиб бораверди. Афсуски, бошқарма раҳбарлари эса мавжуд нуқсон ва камчиликларни бартараф этиш ўрнига уйма-уй, хонадонма-хонадон юриб, фуқаролардан фақат коммунал хизмат ҳақи йиғиш билан шуғулландилар. Аҳвол шу даражага бориб етдики, улар вилоят ҳокимлигининг қарорини ҳам четлаб ўта бошлашди. Аниқроқ қилиб айтганда, вилоят ҳокимининг қарори билан иссиқ сув иссиқлик манбаи нархлари шу йилнинг 1 мартидан бошлаб оширилганига қарамай, бошқарма ходимлари аҳолидан февраль ойи учун ҳам янги оширилган нархларда ҳақ олишди. У оз эмас, кўп эмас, 40361 сўмни ташкил этди. Энг ачинарлиси, аҳолидан ортиқча, яъни ноқонуний йўл билан олинган бу пуллар етти ой давомида, вилоят прокуратураси ходимлари томонидан ана шу нуқсонлар аниқланмагунга қадар, ўз эгаларига қайтарилмади.

«Чиллаки чиллакини кўриб чумак уради» деганларидек, шаҳардаги 3,4,5-уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармалари мутасаддилари ҳам пойгадан ортда қолмасликка интилдилар. Натижада бу жойларда ҳам фуқаролардан уй-жой учун тўлов ҳақларини ортиқча олиш авж олиб кетди.

Жумладан, 3-уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаси маъмурияти томонидан шу йилнинг февраль ойида иссиқ сув ва иссиқлик манбаи учун оширилган нархларда фуқаролардан нақд 104770 сўм ортиқча ҳақ олинди. Худди шундай ҳолат 4 ва 5-уй-жойлардан фойдаланиш ва таъмирлаш бошқармаларида ҳам содир этилди.

Бундай ғайриқонуний хатти-ҳаракатлар оқибатида юқорида номлари қайд этилган бошқармалар томонидан 1995 йилнинг ўтган даври мобайнида фуқаролардан ноқонуний равишда 207062 сўм ортиқча маблағ олинган. Ҳатто иссиқ сув ва иссиқлик манбаи бўлмаган ойлар учун ҳам аҳолидан бир миллион сўмдан ортиқ пул жамғарилган. Лекин ёпиқли қозон ёпиқлигича қолиб кетгани йўқ. Вилоят прокуратурасининг аралашуви туфайли бу маблағларнинг ҳаммаси эгаларига қайтарилди.

Кеч бўлса-да, ҳақиқат қарор топгани яхши. Аммо масаланинг бошқа томони ҳам бор. Шаҳар коммунал хизмат кўрсатиш бирлашмаси раҳбарлари ва уларнинг қаноти остидаги бошқарма бошлиқлари қачонгача халқни алдайди? Умуман, раҳбарларга юқорида қайд этилган нуқсон ва камчиликларни яна такрорламайди, деб ким кафолат бераолади?!

Абдуҳошим МАДАТОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

"Тошкент" республика фонд биржаси, Тошкент Давлат иқтисодиёт университети, Қимматбаҳо қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий маркази 1995 йил, 22-23 декабрда "Ўзбекистонда ҳиссадорлик ва қимматбаҳо қоғозлар бозорини ташкил қилиш" мавзуида илмий-амалий кенгаш ўтказади.

Кенгашда иштирок этиш билан бирга Сиз корхонани ҳиссадорлик жамиятига айлантириш, республика фонд биржаси орқали акцияларни сотиш ва харид қилиш, молия воситачилари билан ўзаро муносабат, ўзингизга тегишли қимматбаҳо қоғозлар мажмуини шакллантириш масалалари бўйича тўғри тушунчага эга бўласиз.

Кенгаш Тошкент иқтисодиёт университети биносида ўтказилади.
Манзил: Тошкент, «Ўзбекистон» кўчаси, 49-уй.

Кенгашда иштирок этиш учун тўловлар Қимматбаҳо қоғозлар бозори мутахассисларини тайёрлаш миллий марказига пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади (ҳар бир иштирокчи учун 1000 сўм миқдорида). Ҳисоб рақами: №004467288 "Инвест" ҳиссадорлик тижорат банки. МФО 172649715. Кор. ҳисоби: 700161115. Кенгаш қатнашчиларига керакли маълумотномалар, услубий қўлланмалар, сўзга чиққанлар маърузасининг асосий матнларидан иборат ҳужжатлар тақдим қилинади.

Бошқа шаҳарлардан келган иштирокчилар учун олдиндан берилган талабномалар асосида меҳмонхонадан жой ҳозирланади.

Қатнашувчилар сони чекланган.
Кенгаш соат 9.00 да бошланади.

Маълумот учун телефонлар:
45-80-45, 36-07-40.

Ташкилий қўмита.

Фирма 1996 йилда Россиядан ҳар хил подшипниклар етказиб бериш учун буюртма қабул қилади. Ҳақи пул ўтказиш орқали ва фақат маҳсулот олингандан кейингина сўм билан тўланади.

Буюртманинг энг кам миқдори — 50 минг сўм.
Тел.: 48-43-20, 48-18-53.
Соат 8.00 дан 18.00 гача.

ИВЕРСОН

ЯҚИНЛАШИБ КЕЛАЁТГАН ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУҒ БЎЛСИН!

Ушбу байрам арафасида «ИВЕРСОН» магазини сизга

гўшт ва колбаса маҳсулотлари, сарёғ, сут, пишлоқ, соус ва турли хилдаги зираворларни, шунингдек, печенье, конфет, шоколад, кофе, чой, шарбат, пиво ва бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда

Янги йил дастурхони учун махсус «*ABSOLUT*, «*TANQUERAY* ароғи, *ROYAL SALUTE*, виски, француз шампони, *SAUTERNES CHATEAU RIEUSSEC^ 86*, *CHATEAU MOUTON ROTHSCHILD^90* *B&G*, виносини, коньяк, жин ва бошқа спиртли ҳамдо спиртсиз ичимликларни юқори сифат ва имтиёзли нархларда таклиф этади.

Магазинда валюта алмаштириш шохобчаси мавжуд. Савдода VISA, DINERS CLUB JSBcards, EuroCard-MasterCard, AMERICAN EXPRESS кредит карточкалари ҳам қабул қилинади.

Магазинимизга 31 декабргача ташриф буюринг ва маҳсулотларни 5 фоиз чегирмаси билан харид қилинг, хурсанд бўласиз.
Сизни ҳар куни соат 10 дан 20 гача кутамиз.
Манзилимиз: «Ўзбекистон овози» кўчаси, М-1 мавзе 32-уй.
Тел: 33-35-61, 33-91-93.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси аппарати жамоаси аппарат масъул ходими Юсуфжон Муқимбоевга падари бузруквори
Муқимбой ТОШБОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги жамоаси вазирликнинг «Каттақўрғонсувқурилиш» тресги бошқарувчиси
Аҳмад АЛИХОЖАЕВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзқишхўжтаъминоттаъмир» давлат қўмита жамоаси қўмита раиси ўринбосари Ҳаким Бердиевга акаси
Усмон ЭШБОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси Олий суд ходими Гулчеҳра Акопова онаси
Зулфия УМАРОВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзпаррандасаноат» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси раҳбарияти ва РИИЧВЛ жамоаси «Ўзбекистон» паррандачилик фабрикаси директор ўринбосари Пўлат Раҳматуллаевга волидаи муҳтарамалари
Дилбархон РАҲМАТУЛЛАЕВАнинг
вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш инженерлари институти жамоаси «Қурилиш механикаси» кафедрасининг доценти
Қаҳрамон ЮСУПОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ банки ходимлари назорат-тафтиш бош қармасининг бошлиғи И. Р. Базаровга унинг ўғли
Владимир БАЗАРОВнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Республика Телерадиокомпаниянинг марказий телевидение жамоаси телеоператор ассистенти Абдумалик Алиевга онаси
Раъно АЛИЕВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти жамоаси катта илмий ходим Д. Ю. Юсуповга отаси
Юнус ЮСУПОВнинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва касаба уюшмаси жамоаси «Чет тиллари» кафедрасининг доценти Дилбар Саримсоқовага отаси академик
Тошмуҳаммад Алиевич САРИМСОҚОВнинг
вафот этганлигини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ихтисослашган «Автомагистраль» автомобиль йўллари қуриш-таъмирлаш бирлашмаси жамоаси Ўзбекистон автомобиль йўлларини қуриш ва фойдаланиш давлат акционерлик концерни «Ўзавтойўл» бошқаруви раиси М. А. Абдуллаевга оналари
Сожида ШАРИПОВАнинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия ва ҳамдардлик изҳор этади.

Шеърият

ОҚСАРОЙ – ЗАРКОКИЛ КЕШНИНГ ҚУЁШИ

Жалол ЯХШИБОЙ Чироқчи туманида туғилган. Ҳозир Қашқадарё вилояти телевидениесида ҳизмат қилмоқда.

Ижодкорнинг «Саҳоватли йиллар», «Арвоҳ ови» номли насрий асарлар тўпламлари ва «Оқсарой армони» шеърий китоблари нашр этилган.

АЖДОДЛАР РУҲИ

Мовароуннаҳр!
Азалий юртим...
Не-не тождорларнинг
Шоҳона қасри!
Не-не фозилларнинг
Донолик асри!
Аждодлар руҳини
Сезиб яшайман...
Обидалар — кўзгу...
Тарихдан сўйлар.
Тафаккур гулшанин
Шаҳн дамларини.
Беқиёс жилолар,
Камалак ранглар...
Таърифлар —
Эранинг одамларини.
Аждодларим!
Сизга —
Таъзим қиламан:
бирингиз жаҳонгир,
бирингиз шоир.
Бирингиз мунажжим,
бирингиз эса...
Гулистон этдингиз
Мовароуннаҳрни!

* * *

Аждодлар руҳини
сезиб яшайман,
Уйлиб кетаман
ўзимдан ўзим.

СЕН САБАБ...

Қалбимда қайтадан ҳавас уйғонса,
Ўлган туйғуларим кетса тирилиб.
Завқ сезмас кўзларим яна қувонса,
Сен-сабаб, малагим, сен — сабаб!
Гул йигит ёшимда суйгандим,
Сенинг нусханг янглиғ зебони.
Телба-телба бўлиб куйгандим,
Ўшал ҳис уйғонди, сен — сабаб!
Тирилган туйғулар энди алдамас,
Қиё боқишларинг...
«Ўшал қиз!»
Ё, раб!
Узр.
Изҳори дил этолмам бу гал,
Ашъорлар битилди, сен — сабаб!

ОҚСУВ ҚУШИҒИ

Даралар бағридан отилган вулқон,
Парилар тўшидай оқарган оқсув.
Сендан кўз қувнайди, сендан яйрар жон,
Қашқадарёдаги тенги йўқ сулув.
Минг йиллик арчалар силсиласида,
Оқбилак ойимдек тўлғанган дарё.
Оппоқ сувларингдан симирай қониб,
Бағрингда ўзимни йўқотай дунё.
Қизлар бўйнидаги марварид янглиғ,
Тоғ-тошлар ичида маржон ёндусан.
Ялтираб турибсан кўзимни олиб,
Ё, сароб, ёки нур, ёки жодусан.
Муздек қучоғингда вужудим қониб,
Руҳим мудроқликдан аста уйғонсин.
Ёвойи масканлар кетсин қувониб,
Оппоқ сув оқариб — бағрини очсин.
Мен эса Оқсувдан яйрай ва жўшай,
Уч ойлик мўъжиза қалбим этсин лол.
Амир Темур руҳи уйғоқ бу жойдан,
Оламга нур сочар ой бўлиб ҳилол.
Гавҳар донасидай томчилар ўйнар,
Оқсуви инжудек товланган дунё.
Даралар бағрида мўъжиза қайнар,
Юртимга омонлик тилар Оқдарё!

Кино оламида

«СЕВИШГАНЛАР» — ЮЗ ЮЛДУЗНИНГ БИРИ

Кино санъати пайдо бўлганининг юз йиллиги муносабати билан турли тадбирлар ўтказилмоқда. Жумладан, яқинда Ҳамдўстлиқдаги мамлакатлар киночилари уюшмалари тақдим этган маълумотлар асосида собиқ СССР даврида яратилган энг яхши юзта фильм аниқланди. Шуни қайд этиш керакки, конкурсга қатъий талаблар асосида ёндошилди. Буни асосий ҳакамлар қаторида Р. Ибрагимбеков, С. Соловьёв, А. Кончаловский, Э. Шенгелая каби машҳур киноарбоблари, таниқли режиссёрлар ва сценарийнавислар борлигидан ҳам билса бўлади.

Хуллас, сўров натижалари ва жюри аъзоларининг хулосаларига кўра аниқланган энг яхши фильмлар қаторида «Ўзбекфильм»да суратга олинган Элёр Эшмуҳаммедовнинг «Севишганлар» картинаси ҳам бор. Шубҳасиз, мухлислар бу режиссёрнинг номини яхши билишади. Мамлакатнинг етакчи даргоҳларида таҳсил олиб келган Элёр Эшмуҳаммедов ва унинг тенгдошларининг ўзбек кино санъатига кириб келишлари катта воқеа бўлган эди. Ёшликка хос жўшқинлик ва романтикага бой мавзулар асосида суратга олинган, ҳаёт ҳақиқатига шарқона теранлик ва фалсафийлик билан ёндошилган кўплаб кино асарлари тезда жамоатчиликнинг назарига тушди. Айниқса, булар орасида Элёр Эшмуҳаммедовнинг дастҳати алоҳида ажралиб турарди. Унинг картиналарини томоша қилганда киши кўз илғамас юксакликка кўтарилар ва ўша нуқтадан ўз ҳаётига, замондошлари турмуш тарзига назар солиш имконига эга бўларди. Ана шундай парвозлар қанотида «Нафосат» фильми яратилди. Кейин унинг давоми — «Севишганлар» (1969) юзага келди. Агар биз мухлислар ана шу асарлар ўз даврида қанчалик шуҳрат қозонгани ва ўзбек кино санъати тарихида янги имкониятлар уфқини очганини эътиборга олсак, жюри қарори нақадар адолатли экани маълум бўлади. Айни пайтда ўзбек киносанъаткори ижод сирлари дунёнинг энг йирик кино академиялари ва ўқув юртларида сабоқ сифатида ўрганилаётгани бежиз эмас.

Шунингдек, шўро даврида яратилган энг яхши юзта фильм қаторида Тошкентда суратга олинган Л. Луковнинг «Икки жангчи» фильми ҳам бор. Уруш йилларида ижод қилинган мазкур картинанинг асосий лавҳалари Тельман номли (ҳозирги Боғизрам) оромгоҳида ва Чирчиқ дарёси бўйларида тасвирга туширилган эди.

Яна бундай шарафга эга бўлган фильмлар сирасида турли мавзуларда яратилган ва миллионлаб томошабинларнинг эътиборига тушган «Потемкин броненосеци» (1925, режиссёр С. Эйзенштейн), «Ҳаётга йўлланма» (1931, Н. Экк), «Чапаев» (1934, Г. ва С. Васильевлар), «Цирк» (1936, Г. Александров), «Аршин мол-олон» (1945, И. Эфендиев), «Турналар учаверади» (1957, М. Калатозов), «Ивановнинг болалиги» (1962, А. Тарковский), «Аждодларнинг унутилган излари» (1965, С. Параджанов), «Уруш ва тинчлик» (1966, С. Бондарчук), «Қизил Калина» (1974, В. Шукшин), «Тазарру» (1984, Г. Абуладзе) сингари асарлар бор.

Ҳ. САТТОРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

· СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ · СПОРТ ·

ҚУРЪА ТАШЛАНДИ

Парижда футбол бўйича навбатдаги жаҳон чемпионатининг саралаш ўйинларига қуръа ташланди. Жаҳон чемпионатида биринчи марта қатнашадиган миллий терма жамоамиз қуръага кўра Осиё қитъасининг 5-гуруҳида Яман, Комбоджа ва Индонезия терма командаларига қарши майдонга чиқадиган бўлди. Гуруҳ ғолиби қитъа бўйича жаҳон чемпионатига бериладиган тўртта йўлланма учун курашни давом эттиради. Мутахассисларнинг фикрига кўра терма жамоамиз гуруҳда ғолиб чиқишига шубҳа йўқ. Чунки Яман ва Комбоджа Осиё қитъасининг футбол ривожланмаган мамлакатлари сирасига киради.

ШАЦКИХ — ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИСИ

«Навбаҳор» жамоаси ҳужумчиси, бу йилги мавсумнинг энг сермаҳсул тўпчиси Олег Шацких «Ўзбекистон футболи» ҳафталигининг анъанавий сўровига кўра 1995 йилнинг энг яхши футболчиси деб топилди. Сўровда қатнашган 16 матбуот нашри, ойнаи жаҳон ва радио спорт журналистларидан (жами 45 спорт журналисти қатнашди) 9 нафари Олегга биринчи, 8 нафари иккинчи, 7 киши эса учинчи ўринни беришди. Натижада Олег Шацких 50 очко тўплаб, яқин рақобатдоши Дилмурод Назаровни («Пахтакор») 10 очко ортда қолдирди. Сўров натижасига кўра, «Нефтчи»нинг ярим ҳимоячиси Сергей Лебедев учинчи бўлди.

Спорт журналистлари олти жамоанинг 24 футболчисига («Пахтакор» — 7, МҲСК — 6, «Навбаҳор» — 4, «Нефтчи» — 3, «Нурафшон» — 3, «Сўғдиёна» — 1) овоз беришди.

АТЛАНТА САРИ

Дзюдочиларимиз Деҳлида ўтказилган Осиё чемпионатида муваффақиятли қатнашишди. Вакилларимиз қитъа чемпионатининг иккита «кумуш» ва иккита «бронза» медалини қўлга киритишди. Совриндорлар — Алишер Мухторов, Дмитрий Соловьев, Владимир Шмаков, Армен Богдасаров билан бирга яна уч нафар спортчимиз келгуси йили Атлантада ўтказиладиган Олимпиада ўйинларига бериладиган йўлланмага эга бўлишди.

ФОЗИЛОВ ХРШФнинг ВИЦЕ - ПРЕЗИДЕНТИ

Рус шашкаси бўйича Коми Республикасининг Ухта шаҳрида ўтказилган жаҳон чемпионатида самарқандлик Маркиэл Фозилов учинчи ўринни эгаллади, ҳамда «Энг ажойиб ўйин учун» соврини билан тақдирланди. Шунингдек, у жаҳон чемпионатидан сўнг ўтказилган йиғилишда ХРШФнинг (Халқаро рус шашкаси федерацияси) вице-президенти этиб сайланди.

Р. ЖУМАЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

UZBEKISTAN TURKISH BANK

ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎЗБЕКИСТОНЛИКЛАР!

"ЎТ-Банк" Ўзбек-Турк қўшма банки жамоаси тобора яқинлашиб келаётган янги - 1996 йил муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти муҳтарам Ислом КАРИМОВни ва бутун ўзбек халқини чин юракдан муборакбод этади. Уларга янги йилда энг самимий тилакларини изҳор этади.

Эшик қоқаётган янги - 1996 йил истиқлол йўлидан дадил одимлаётган Ўзбекистон учун барча соҳаларда улкан муваффақиятлар йили бўлишига шак-шубҳа йўқ. Зеро, мамлакатда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ана шундай дейишга асос бўла олади. Таъбир жоиз бўлса, янги йилда Ўзбекистонни нурли манзиллар кутмоқда!

Ўтмиши, маданияти, тили, дини, тарихий келиб чиқиши ҳамда бошқа кўплаб сифатлари бир бўлган қардош ўзбек ва турк халқлари бир-бирларига нисбатан чуқур самимият ва юксак эҳтиром билан муносабатда бўлишади. Улар Ўзбекистон ва Туркиянинг ҳар бир соҳадаги ҳамкорликларини якдиллик билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Бугунги кунда Ўзбекистон ва Туркиянинг ўзаро тенг манфаатли ҳамда ишончли шерикчиликка асосланган ҳамкорликлари иккала мамлакат иқтисодиётининг барча соҳаларини қамраб олгандир.

- *"ЎТ-Банк" - Ўзбек-Турк қўшма банкининг ташкил этилиши ҳам ана шундай ҳамкорликларнинг самараларидан биридир.*
- *"ЎТ-Банк" Ўзбекистон Республикаси акционерлик тижорат деҳқончилик-саноат банки ҳамда Туркия Республикаси Зироат банки муассислигида ташкил этилган бўлиб, унинг умумий сармояси 2 миллион АҚШ долларини ташкил этади.*
- *"ЎТ-Банк" жаҳоннинг жуда кўп нуқталарида ўз ҳамкорларига эга.*
- *"ЎТ-Банк" халқ хўжалигининг барча тармоқларига хизмат кўрсатиш ваколатига эга. Ўзбекистонлик ва чет эллик мижозлар (ҳуқуқий шахслар ва фуқаролар) унинг хизматидан фойдаланишлари мумкин.*
- *Умуман, "ЎТ-Банк"нинг фаолият доираси ранг-баранг ва кенг қамровлидир. Унинг асосий мақсади ўз мижозларига энг қулай ва сифатли банк хизмати кўрсатишдан иборатдир.*
- *"ЎТ-Банк"нинг эшиги сизлар учун ҳамиша очиқ!*

Қўшимча маълумотларни банкнинг ўзидан олишингиз мумкин.

Банк манзили:
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе, 74-уй.
Телефонлар: ***(3712) 77-44-95, 77-59-67.***
Факс: ***(3712) 77-34-08. Телекс: 116623 UTB.***

ХАЛҚ СЎЗИ • НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Анвар ЖЎРАБОЕВ.

БЎЛИМЛАР:
Парламент 33-57-34;
Хатлар 33-07-48;
Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;
Иқтисодиёт 36-36-65;
Маънавият 36-35-60;
Ахборот 36-29-89;
Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Б. Остонакулов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0001 Буюртма Г. — 0563. 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Босишга топшириш вақти—21.00 1 2 3 4 5 6
Босишга топширилди — 21.00.